O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 10 апрель чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 76 (2904)

## Буюк соҳибқиронга эҳтиром



**Халқимиз тарихда ўз фаолияти билан довруғ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотларни ҳамиша эъзозлаб келган. Буюк соҳибқирон Амир Темур шундай сиймолар сирасига киради. Истиқлолга эришганимиздан кейин жаҳонгир бобокалонимизнинг таваллуд кунларини кенг нишонлаш яхши анъанага айланди. Бу йил ҳам 9 апрель куни эрта тонгданоқ пойтахтимизнинг ул зоти шарифнинг номлари билан аталувчи сўлим хиёбон жамоатчилик вакиллари, юртимиз меҳмонлари, зиёлилар, талаба ёшлар билан гавжум бўлди.**

Амир Темурнинг 666 йиллигига бағишланган тантанали тадбирни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов очди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н.Ҳабибуллаев, Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси М.Зокирова ва бошқалар истиқлол туфайли Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланганини таъкидлади.



Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари қўяётган ҳар бир қадамида миллатимизнинг фахри ва ифтихори Соҳибқирон ҳазратларининг руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб келмоқда. Боиси — ул зотнинг бутун фаолияти миллатнинг бирлиги, юрт озодлиги, мамлакат фаровонлиги учун кураш тимсолига айланганидадир.

Шуниси эътиборлики, бу йил биз, миннатдор авлод улуғ саркардага бешик бўлган кўҳна Кеш — Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйини кенг кўламда нишонлаймиз. Зеро, Темур ва темурийлар даврининг улуғ меросиси нафақат миллий, балки умумбашарий аҳамиятга эгадир. Соҳибқироннинг ҳаёт шиори — эзгулик, яхшилик, бунёдкорлик инсоният фаолиятининг бош мақсади бўлиб келган.



Тадбир қатнашчилари Амир Темур руҳи покларига самимий эҳтиром рамзи сифатида ул зотнинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов қатнашди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темур абадияти" мавзусида илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган тантаналар бутун мамлакатимизда давом этмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚОМУСИ БАЙРАМИ

**Кеча Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституцияси кунини нишонлади. Қорақалпоғистоннинг Бош Қонуни 1993 йилнинг 9 апрелида XII чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида қабул қилинган.**

**Конституция байрами муносабати билан Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

**Йиғилишда Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Т.Камолов сўзга чиқди.**

**Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири Д.Халмуратов Конституциянинг республика ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида маъруза қилди.**

**Тантанали йиғилишда шоирлар шеърларидан ўқидилар, санъат усталари ва ижрочи ёшлар катта концерт намойиш қилдилар.**

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:
**Балкибаева** Жанагул Исмайловна
**Мардиева** Тўлқиной Қосимовна
**Миралимов** Бахтиёр Деҳқонбоевич
**Мордовина** Ирина Константиновна
**Назаров** Воҳид Маматалиевич
**Суюнова** Дильбар Жолдасбаевна
**Халилов** Дильмир Абдураҳманович
**Ҳашимова** Мухтабар Раҳматовна
**Худойқулов** Зокир Нормуродович
**Янгибоев** Норқуват Қулназарович

2. Қуйидагилар:
**У.Қ.Мингбоев** соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси вазифасидан:
**К.Абдувалиева** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**Н.Абидова** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан:
**Р.А.Акбаров** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан:
**А.Т.Алимуҳамедов** пенсияга чиқиш тўғрисида берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**М.И.Бозорова** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**Э.Йўлдошев** пенсияга чиқиш тўғрисида берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**Я.А.Қодирова** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**Т.Н.Қорабоев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**Х.К.Маликов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**М.Н.Машарипов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**А.А.Пўлатов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**М.Ю.Тошқориева** пенсияга чиқиш тўғрисида берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**А.Турғунов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;
**С.Худайназаров** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 апрель.

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва уюшмалар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёсини йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган мазкур йиғилишда комиссиянинг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тобора жадаллашувида металлургия саноати ҳам ўзига хос ўринга эга. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ҳамда уларни қайта тайёрлаш борасида белгиланган режа ортиғи билан уддаланди. Бу эса ўз навбатида, "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимидаги корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда мазкур комбинат ва унинг тармоқлари қурилиш, саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини нисбатан арзон бинокорлик материаллари билан таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Рангли ва қора металлдан тайёрланган маҳсулотлар хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинаётир.

Йиғилишда қора ва рангли металларни тўплаш ва металлургия комбинатига ўз вақтида етказиб бериш масаласи кун тартибидаги муҳим вазифа эканига эътибор қаратилди. Рангли металл парчаларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш бўйича белгиланган топшириқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида бажариб келаётган ташкилотларни моддий рағбатлантириш зарурлиги қайд этилди.

**(ЎзА).**

*Халқим — ғурурим*

## ҚОМАТИ ТИК ЎЗБЕГИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро терроризмга қарши курашга қўшган улкан ҳиссаси учун АҚШ жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» деган юксак фахрли мукофотга сазовор бўлди.

Ўзбекистонни АҚШ ўзига Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкор, деб эътироф этди.

Бугун ўзбек халқи ана шундай улуғ мартабаларга лойиқ бир халққа айланди. Бунга биз мустақиллик туфайли, давлатимиз олиб бораётган оқилона, дадил мустақил ташқи сиёсат туфайли эришдик, албатта. Мустақиллик узоқ ўн йиллар мобайнида дунё сиёсий харитасида аниқ ўрни бўлмаган Ўзбекистонни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирди, ўзбек халқини дунё ҳисоблашадиган, фикри, нуқтаи назарига дунё қулоқ тутадиган обрў-эътиборли бир халқ даражасига кўтарди.

Яқинда газеталарда ўқиб қолдим: Россияда Ўзбекистонимизнинг «Нексия» енгил автомобилига ишқибозлар сони тобора ошиб бораяпти экан. Биргина ўтган йилнинг ўзида россияликлардан 10 минг киши «Нексия» харид қилибди. Иккинчи ўринни Россия бозорида 8,5 минг «Шкода» русумли автомобилларини сотган чехлар эгаллабди. Учинчи ўрин эса немисларнинг «Фольксваген» автомобилига тегибди...

Бу кичик маълумот кишида мамнуният, ғурур ҳамда бироз ҳайратни, эзгу маънодаги ҳайратни уйғотади. Ахир ғурурланмай бўладими? Бизнинг автомобилларимиз жаҳон бозорида кун сайин харидоргир бўлиб бораяпти. Ҳайратланмай бўладими? Биз жаҳон автомобиль бозорларида аста-секин «манаман» деган машинасоз давлатлар билан дадил рақобатга киришаяпмиз. Мана, Россия бозорида «Нексия»миз чехлар ва немисларнинг машҳур автомобилларидан харидоргирроқ! Энди ўзбек «Матиз»и ҳам Россияга ва бошқа давлатларнинг бозорларига йўл топаяпти. Ҳатто Москванинг магистрал йўллари тепасида: «2002 йил авто Матизация йили» деган сўз ўйинли рекламани шу кунларда тез-тез учратиш мумкин.

Мустақиллик минг йиллик ҳунарманд халқимизнинг салоҳиятини қайта уйғотди. Бу халқ ер илмидан ташқари техника илмига ҳам моҳир эканлигини кундан-кун яққолроқ аён этмоқда. Атиги ўн йилнинг нари-берисида бутун Ўзбекистон, таъбир жоиз бўлса, буюк қурилиш майдонига айланди. Қисқа давр ичида республикамизнинг турли минтақаларида бири-биридан салобатли, энг замонавий техника ва технология билан жиҳозлан-

(Давоми 2-бетда).

**Термизда Сурхондарё вилоят қишлоқ хўжалиги фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда чигит экиш ва ниҳолларни тўлиқ ундириб олиш, ғалла ўрим-йиғими мавсумига пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**

**Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.**



## Баҳорнинг бири кузнинг ўнига тенг

Бу йил вилоятда 120 минг гектар майдонда пахта етиштирилади. Йиғилишда таъкидланишича, чигит экиш мавсуми муваффақиятли кечмоқда. Ҳозиргача 80 фоиздан кўпроқ майдонга уруғ қадалди. 10 минг гектар ерга чигит Андижон усулида экилди. Бу ишни барвақт бошлаган хўжаликларда кўчат тўлиқ ундирилиб, дастлабки ишлов бошлаб юборилди. Пахтачиликдаги муҳим агротехник тадбир — ниҳолларни ягана қилишга киришган хўжаликлар баҳорнинг бир куни кузнинг ўн кунига татийди, деган нақлга амал қилиб иш юритмоқда.

Лекин барча туманларда ҳам чигит экиш мавсуми кўнгилдагидек бўляпти, дейиш қийин. Музработ, Қизириқ, Бандихон, Термиз, Ангор туманларида экиш ишлари кечиктирилмоқда. Ғўза ундириб олинган майдонларда қатқалоқни юмшатиш, чопиқни бошлашга ҳафсаласизлик билан қаралмоқда.

Вилоятда бу йил ғалла одатдагидан ўн-ўн беш кун олдин пишиб етилиши кутилмоқда. Эрта кузда экилиб, яхши парваришланган майдонларда буғдой бошоқ тортиб қолди. Буғдойзорларни бегона ўтдан тозалаш, озиқлантириш, ерда нам сақлаш ишлари яхши ташкил қилинган. Шундай бўлса-да, номлари зикр этилган туманларда ўрим-йиғим техникаси мавсумга тайёр эмас. МТПларда комбайнларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари етишмайди.

Йиғилишда айни кунларда тезкорлик билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Т.Қодиров иштирок этди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## НЕМИС ТЕХНОЛОГИЯСИ МАРКАЗИ

**Тошкентда "Ўзавтойўл" концерни ҳузурида Немис технологияси марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Саксония федерал ери иқтисод ва меҳнат вазирлиги давлат котиби В.Целлер бошчилигидаги делегация иштирок этди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов сўзга чиқиб, мамлакатимизда Ғарбу Шарқни боғловчи қадим Буюк Ипак йўлини тиклаш, мавжуд автомобиль йўлларини жаҳон андозалари даражасида таъмирлашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан бу жабҳадаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётир. Айниқса, Германия билан йўл қурилиши соҳасида манфаатли ва ишончли алоқа ўрнатилган. "Ўзавтойўл" концерни ҳузурида очилаётган Немис технологияси маркази ҳам икки мамлакатнинг бу соҳадаги алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Маълумки, Европа ва Осиё давлатларининг Буюк Ипак йўлини тиклашга, яъни Евроосиё транспорт йўлагини қуришга бўлган қизиқиши катта. Ушбу йўналишда қисқа вақт мобайнида йирик халқаро анжуманлар ўтказилди, ҳамкорликда лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон ҳам мазкур йўл қурилишида фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, ҳукуматимиз унинг бир бўлаги ҳисобланган Тошкент—Андижон—Ўш йўлини кенгайтириш ва таъмирлашга катта эътибор қаратди. Ушбу йўлда таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари давом этаётган бўлса-да, транспорт воситалари ҳаракати бир зум ҳам тўхтатилгани йўқ.

Келажакда ушбу йўналишда темир йўл ва автотранспортнинг юқори тезлик билан ҳаракатланишини таъминловчи йирик халқаро йўл қуриш режалаштирилмоқда. Бунинг учун эса замонавий коммуникация, йўл қурилиши борасида юқори билим ва малакага эга бўлган мутахассислар зарур. Тошкентда Немис технологияси марказини очишдан кўзланган мақсад ҳам ана шундай етук маҳаллий мутахассислар тайёрлашдир.

Марказда йўл қурилиши мутахассислиги бўйича иқтидорли ёшлар танлаб олинади ва ўқитилади. Шунингдек, улар малака оширади, хорижлик ҳамкасблари тажрибасини ўрганади.

**(ЎзА).**

## БУХОРО ЮНЕСКО МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

### Бухоро шаҳри Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича "Шаҳарлар тинчлик учун ЮНЕСКО мукофоти"га сазовор бўлди




Мукофот Марокашда ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацуура томонидан топширилди. Тақдирлаш маросимида Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камолов қатнашди.

Бу мукофот икки йилда бир марта танлов асосида дунёнинг бешта минтақасидан бешта шаҳарга тақдим этилади. 2000-2001 йиллар учун ўтказилган танловга 76 та шаҳар номзоди қўйилганди.

Мазкур халқаро мукофот 1996 йилда таъсис этилган. Бундан кўзланган мақсад дунё узра тинчлик маданияти ғояларини кенг тарғиб этиш, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида яхши натижаларга эришган шаҳарларни тақдирлаш ҳамда халқаро миқёсда шаҳарлараро ҳамкорликни ривожлантиришдир.





Бухоро ЮНЕСКОнинг ушбу мукофотига шаҳардаги тарихий обидаларни сақлаш ва қайта тиклаш, шунингдек, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, турли миллатлар ва диний жамоалар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари эвазига эришди.

Таъкидламоқ керакки, мустақилликнинг илк йилларидан ҳозирга қадар Бухорода ЮНЕСКОнинг турли дастурлари амалга ошириб келинаётир. Чунончи, бу шаҳар 1991 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. 1996 йилда эса бухоролик бир гуруҳ ҳунарманд усталар мазкур халқаро ташкилотнинг махсус совринларини қўлга киритганди. 1997 йилда шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи ҳам ЮНЕСКО раҳнамолигида халқаро миқёсда кенг нишонланди. Сўнгги бир неча йил ичида Бухорода ташкилот билан ҳамкорликда фан, таълим, маданият ва коммуникация соҳасида қатор анжуманлар ўтказилди. Шунингдек, Бухоро вилоятидаги 2 та ўрта мактаб ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури аъзоси саналади.

**(ЎзА).**

## Сибирь дарёларини Марказий Осиёга буриш мумкинми?

**Кейинги икки йил давомида, айниқса, Оролбўйида яққол кузатилаётган сув тақчиллиги минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятни сезиларли даражада мураккаблаштирди. Тошкентда бўлиб ўтган "Орол ва Оролбўйи муаммолари — халқаро ҳамкорликка эҳтиёж" мавзуидаги экофорум ана шу муаммоларга бағишланди.**

Мазкур анжуман мамлакатимизнинг "ЭКОСАН" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан Росзарубежцентр — Россия хорижий марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди. Унда республикамизнинг давлат, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон ва Россиянинг сув муаммолари билан шуғулланувчи таниқли эколог-олимлари ва мутахассислари, маданият арбоблари, Тошкентда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Форум доирасида халқаро конференция ҳам бўлиб ўтди. Уни "ЭКОСАН" жамғармаси раиси Ю.Шодиметов бошқарди.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков Орол фожиаси хусусида тўхталиб ўтди. Давлат томонидан қабул қилинаётган иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар ушбу фожиа оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Мазкур чора-тадбирлар ўз натижасини бераётир. Бироқ, муаммони унинг сабабларини бартараф этиш билангина, яъни Марказий Осиёдаги дарёларни четдан қўшимча сув ресурслари билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# ҚОМАТИ ТИК ЎЗБЕГИМ



(Давоми. Боши 1-бетда).

ган корхоналар Алпомишдай қад ростлади. Улар нафақат янги иқтисодиётимиз ривожига қанот бағишлади, айни пайтда, улар халқимизнинг қадди-қоматини ҳам халқаро миқёсда кўрсатмоқда. Ахир кечагина, яқин ўтмишда «саноатга, техникага тиши ўтмайди» деб ном олган ўзбек халқи бугун улкан, бунинг устига, энг замонавий саноат эгаси. Шундай саноатки, унинг маҳсулотларига жаҳон бозорлари борган сайин катта умид ва ишонч билан кўз тутмоқда.

Деярли бир ярим аср давом этган мустабидлик даврида ўзбек халқи нафақат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан, балки маънавий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам оғир инқирозларга учради. Мустақиллик миллатимизнинг ўзлигини тиклади. Бугун биз ўзимизни тарихда умумбашарият цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, буюк тарихли ва бебаҳо маънавий бойликларга, қадриятларга эга бир халқ сифатида англаб етдик.

Шу ўринда айтарли эътибор қилинмаётган бир ҳолат устида тўхталмоқчи эдим. Мустақиллик йилларида тарихимизда ўтган буюк сиймоларга ҳайкаллар қўйдик. Ёдгорликлар ўрнатдик, уларнинг ҳоки туроблари ётган жойларни қайтадан обод қилиб, миллий зиёратгоҳларга айлантирдик. Булар нима учун қилинаяпти? Албатта, аввало, миллий тарихимиз ва буюк сиймоларимиз хотирасини тиклаш учун. Лекин бу маънавий бунёдкорликларнинг аҳамияти фақат шу билан чекланадими? Йўқ, албатта. Бу маънавий-тарихий иншоотлар тимсолида халқимизнинг уйғонган миллий қатъияти ҳам ўзини сезимли ҳолатда намоён этмоқда. Масалан, Истиқлолнинг илк йилларида Тошкентнинг қоқ марказида, ундан кейин Самарқандда ва Шаҳрисабзда Соҳибқирон Амир Темур бобомизга ҳайкаллар ўрнатдик. Шу йўсинда, аввало, улуғ бобокалонимиз номи ва хотирасини ҳаётга қайтардик. Шу билан бирга, Амир Темурга ҳайкал тимсолида биз ўзимизнинг бу улуғ шахсга маънавий-руҳий муносабатимизни ҳам дунёга дадил айтдик. Амир Темур, дунёнинг айрим минтақаларида қора бўёқларга чаплаб кўрсатилаётганидай, нуқул золим, қонхўр шахс эмас, балки Туронзаминда миллий давлатчиликни тиклаган, илм-фан ва маданият ривожига ҳомийлик қилган, башариятнинг ҳаётига кучли ижобий таъсир кўрсатган буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркарда, бизнинг миллий ғуруримиз ва ор-номусимиз, деган қатъий фикрни шу ҳайкалларда мужассам этдик. Яъни биз фақат Амир Темурга ҳайкал тикламадик, балки ўзимиз ҳам ичдан — фикран, қалбан, руҳан тикланаётганимизни кўрсатдик.

Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарларининг улкан тарихий умр тўйлари, Маъмун академиясининг тикланиши, Ал-Фарғоний ҳайкали, пиру алломаларимиз ётган жойларнинг қадамжоларга айлантирилиши, Ватанимиз ва халқимиз мустақиллиги учун курашиб жон фидо қилганлар хотирасига бунёд этилган Хотира мажмуалари... булар, айни пайтда, халқимиз миллий маънавий дунёқарашининг қадам-бақадам тикланаётганлигига далолатдир. Ўтган 10 йилдан бироз ошиқроқ муддат ичида ўзбек халқи, дарҳақиқат, буюк уйғониш ва буюк руҳий тикланиш даврини бошдан кечирди.

Энди биз маънавий тикланишдан — маънавий ривожланиш даврига қадам қўйдик. Кечаги мутелик, руҳий қулликдан бугун асар ҳам йўқ. Бугунги ўзбек — дунёга довруқли сиёсий арбоб, тадбиркор, бизнесмен, банкир, фермер, энг замонавий техника асосида ишлаётган XXI аср корхоналарининг муҳандиси, энг нуфузли хорижий илмий марказларнинг грантларини қўлга киритаётган олим...

Бошқа олис ва яқин қўшни мамлакатларда маънавият, маданият, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ислоҳотлар муҳимлигини энди англаб етишаётган бир пайтда Ўзбекистонда бу йўналишларда бошланган ислоҳотлар бугун ажойиб самаралар беряпти. Ўтиш даврининг тангликлари шароитида айрим қўшни давлатларда баъзи маданият, санъат муассасалари ёпилай деб турган бир пайтда бизда Ўзбек миллий академик драма театри, Рус давлат академик драма театри, Ўзбекистон давлат консерваторияси сингари муҳташам санъат кошоналари ўз эшикларини халқ хизматига очди. Бу даргоҳлар санъатимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарибгина қолмай, халқимизнинг маънавий салоҳиятини ҳам янада очади, унинг қадди-қоматини янада баланд этади.

Японларда, узоқни кўзловчи инсон етук шогирд тарбиялайди, деган нақл бор экан. Қарангки, бу донишмандлик Ўзбекистон давлатида тараққиётнинг устувор қонуниятларидан бирига айланган. Шу мақсадда бундан беш йил олдин Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Мамлакатимизнинг озод, баркамол авлодларини тарбиялаб етиштириш учун давлатимиз, ҳеч нарсани аямаяпти. Ўзбекистон дунёда ўз бюджетидан таълим-тарбияни ислоҳ қилиш учун энг катта миқдорда маблағ ажратаётган бир давлатдир. Натижа ҳам шунга яраша бўляпти. Бунёд этилаётган замонавий корхоналарда етук билимли, малакали ўзбек йигит-қизлари меҳнат қиляпти. Улар саноатни автоматик бошқарувнинг, роботлар, компьютерлар, электрон тизимлар билан ишлашнинг нозик сиру синоатларини эгаллаган, бунинг устига, корхоналаридаги хорижий шериклар ва чет эллик меҳмонлар билан уларнинг ўз тилида бемалол тиллаша оладиган етук замонавий мутахассислардир. Бундай ўзбек ёшларига не-не давлатлар ҳавас қилмоқда.

Ўзбекнинг бундай ёшлари фақат иқтисодий жабҳадагина эмас, балки маданият, санъат ва спорт соҳаларида ҳам тобора кўпаймоқда. Президентимиз Ўзбекистон давлат консерваториясининг тантанали очилиш маросимида журналистлар билан қилган суҳбатларида консерватория талабаси Фазлиддин Ҳусанов Лондон концерт залларида Оврупонинг буюк бастакорлари яратган асарларни қойилмақом ижро этиб, талабчан, юксак оврўполикларнинг олқишига сазовор бўлганлигини ғурур билан тилга олдилар. Чиндан ҳам, ёшларимиз орасидан жаҳон саҳналарини забт этаётган ёркин истеъдодлар тобора кўплаб чиқмоқда.

Ёки спорт соҳасини олайлик. Мана, ўзбек боксчиси Муҳаммадқодир Абдуллаев шу кунларда Америка рингида кетма-кет ғалабаларни қўлга киритаяпти. Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов эса ўз рейтингига кўра жаҳоннинг энг кучли шахматчилари қаторида турибди...

Бугун халқимиз ўз фарзандлари тимсолида ана шундай, дунёнинг турли нуқталаридан кўриниб турадиган бўйга, ана шундай шон-шуҳратларга эришмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг яна бир ажойиб фикрини эсламасдан ўтиб бўлмайди.

**«Фарзандларимиз**, — деган эди Президентимиз 1998 йилда, — **биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари керак»**.

Фарзандлар — ижтимоий-маънавий камолотнинг янги тарихий довонларига кўтарилаётган ўзбек халқидир. Фарзандларимиз ҳар жиҳатдан етуклик сари интилаётган ва бу йўлда давлатимиз, шахсан Президентимизнинг диққат-эътибори уларга раҳнамо экан, демак халқимизнинг ҳам келажаги ёруғ, баркамолдир. Оққан дарё оқаверади деганларидай, ўтмишда не-не қудратли ва буюк сиймоларни дунёга берган ўзбек халқи, мустақиллик бор экан, ўз тараққиётида янги олтин асрларга, албатта, эришгай. Янада қад ростлагай.

**М.САФАРОВ.**

---



# ХУШНУД ЧЕҲРАЛАР

*Тадбир*

*Куни кеча Тошкент Давлат аграр университети қошида ташкил этилган академик лицейда Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Кечада Ойбек маҳалласидан таклиф этилган пиру бадавлат отахонлару онахонлар ва меҳнат фахрийлари ҳозир бўлдилар. Уларнинг чеҳраларидаги мамнунликни кўриб беихтиёр қувонасан киши. Лицейнинг илк қалдирғочлари бўлмиш, ҳозирги кунда турли ўқув юртларда таълим олаётган бир гуруҳ ёшлар ҳам кечада иштирок этишди. Шунингдек, Америкадан келган таълим соҳаси ходимлари ҳам файзли учрашув меҳмони бўлишди. Англияда таҳсил олаётган Жалил Қосимов шундай байрамга етиб келиб иштирок этаётганлигидан мамнунлигини билдирди. Кўтаринки кайфиятда ўтган кечада халқимизнинг эзгу қадриятлари намоён бўлди.*





**М.ЁҚУБОВА,**
**Н.МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

**«Асака» банки:**

# ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**"Асака" давлат акционерлик-тижорат банки мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш мақсадида дунёнинг етакчи банклари ва бошқа халқаро молия ташкилотлари билан мавжуд ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва янгиларини ўрнатиш орқали ўзининг халқаро фаолиятини кенгайтирмоқда. Бунда банкнинг суғурта компаниялари ва жаҳоннинг етакчи банклари билан ҳукумат кафолатларини талаб қилмайдиган узоқ муддатли молиявий ресурсларни жалб қилиш соҳасидаги ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Ҳозирги вақтда "Асака" банки томонидан товарлар ва технологик ускуналар етказиб бериш бўйича тижорат шартномасини қоплаш ва 85 фоизини молиялаш кафолатлари тўғрисида Hermes (Германия), OeKB (Австрия) каби нуфузли экспорт-кредит агентликлари билан шартнома қиймати 5 миллион еврогача бўлган лойиҳалар юзасидан битимлар тузилган. Шунингдек, АҚШ Эксимбанки билан ҳукумат кафолатларини жалб этмаган ҳолда шартнома қиймати 10 миллион АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар бўйича шундай битимлар тузилган. Бундан ташқари 2002 йилнинг 5 апрелида дунёнинг етакчи экспорт-кредит суғурта агентликлари раҳбарлари делегациясининг ташрифи доирасида "Асака" банки раҳбарияти Италиянинг SACE агентлиги вакиллари билан учрашди. Учрашувда "Асака" банки инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг SACE томонидан суғуртавий қопланиши тўғрисида келишиб олинди.**

**Бунга қўшимча равишда "Асака" банки ҳозирги вақтда Франция (Coface), Хитой (Хитой Эксимбанки), Голландия (NCM) ва жаҳоннинг бошқа ривожланган мамлакатлари экспорт-кредит суғурта агентликлари билан инвестиция лойиҳаларини экспорт суғурталаш бўйича шундай битимлар тузиш борасида музокаралар олиб бормоқда.**

**(ЎзА).**

---

# Сибирь дарёларини Марказий Осиёга буриш мумкинми?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуман иштирокчилари фикрича, бундай вазиятда Сибирь дарёлари — Обь ва Иртиш оқимининг бир қисмини минтақага буриш аниқ ҳамда тежамкор усулдир. Бундай лойиҳа ўтган асрнинг 60-80 йилларида пайдо бўлган эди. Собиқ Иттифоқ республикаларининг 150 га яқин лойиҳа ва илмий-тадқиқот институти мазкур лойиҳани ишлаб чиқишга жалб қилинган эди. Сибирь дарёларини буриш дастурини таниқли олимлар ва мутахассислар синчковлик билан таҳлил қилди. Бироқ, "қайта қуриш" даврида ушбу лойиҳани обрўсизлантиришга қаратилган йирик кампания уюштирилгач, у ора-йўлда қолиб кетди.

Анжуманда минтақада сув тақчиллиги кескинлашган бугунги кунда барча саъй-ҳаракатларни муаммони ҳал этиш йўлларини топиш йўлида бирлаштириш зарурлиги ҳақида гапирилди. Замонавий шароитларда ушбу лойиҳани фақат янги геосиёсий вазият белгилайдиган ташкилий-иқтисодий асосда амалга ошириш мумкин. "Сибирь—Марказий Осиё" каналини қуриш нафақат манфаатдор давлатлар кучи билан, балки хорижий сармоялар ва хусусий маблағларни кенг жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Бунинг учун эса махсус халқаро консорциум ташкил этиш таклиф этилди.

Анжуманда ушбу лойиҳани амалга оширишдан ҳар икки томон, яъни Марказий Осиё давлатлари ҳам, Россия ҳам манфаатдор эканлиги таъкидланди. Сибирь каналини қуриш Россиянинг ўрта минтақасини бизнинг минтақамиз билан боғлайдиган иқтисодий кўприк яратиш имконини беради. Бу эса кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади. Орол денгизи ҳавзаси давлатлари сув ресурслари етишмаслигини бартараф этиш, суғориш майдонларини кенгайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш имконига эга бўлади ва бу билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳам ўсади. Сибирь дарёлари суви экологик жиҳатдан тоза, сабзавотлар, мева, дуккакли ўсимликлар етиштириш, пахта, техник экинлар экиш майдонларини кенгайтириш имконини беради. Ушбу маҳсулотларнинг ортиқчасини Россия сотиб олади. Бу эса россиялик иқтисодчиларнинг фикрига кўра, бошқа минтақалардан харид қилишга қараганда анча фойдали. Канал саноат, энергетика, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш зонасига айланади. Бундан ташқари, сувни буриш Сибирь дарёларида сув тошқини муаммоларини ҳам ҳал этади.

Экофорум иштирокчилари муҳокама якунлари бўйича резолюция қабул қилди. Ушбу резолюцияда улар Россия Федерацияси ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг давлат ҳамда ҳукумат раҳбарларига "Сибирь—Марказий Осиё" канали қурилиши лойиҳаси бўйича ишларни давом эттириш тўғрисида масалаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасидаги музокараларни қайтадан бошлаш таклифи билан мурожаат қилди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---



*Кўклам — меҳнат билан кўркам*

***— «Шоҳ бўлсанг ҳам боғ ярат, гадо бўлсанг ҳам боғ ярат...» деганлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, — ҳикоя қилади «Нуроний» жамғармаси Конимех туман бўлими раҳбари Нурбой Бекмуродов. — Ана шу ҳаётий ақидага амал қилинган ҳолда ҳар йили қанчадан-қанча боғ-чорбоғлар бунёд этилаяптики, улар юртимиз ҳуснига-ҳусн, халқимиз ризқига-ризқ қўшаяпти. Туманимизда қариялар боғлари вужудга келаётганидан ҳамма мамнун. Аслида бу ҳам халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир.***

# КОНИМЕХ БОҒЛАРИ

Дарҳақиқат, туманда боғ-чорбоғларни кўпайтириш борасидаги қатъий саъй-ҳаракат ва уюшқоқликни бир қарашдаёқ сезиш мумкин. «Шўркўл» ширкат хўжалиги ҳудудидаги 2 гектар майдонга экилган ниҳоллар ажойиб манзара касб этган. Уни 80 ёшли отахон Муйтан бобо Ҳамроев тенгқурлари билан ўз оталиғига олибди. «Чордара» ширкат хўжалигида ташкил этилган боғга Юбилей Қизтуғанов номи берилган. Бу ҳам бўлса, Қарияларни қадрлаш йилидан авлодларга муносиб хотирадир.

Марказий қўрғонга туташиб кетган 10 гектарча қаровсиз майдон тартибга солиниб, турли хилдаги мевали дарахтлар экилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу ерга сув келтириш осон кечмаётганлиги кўриниб турибди. Обҳаёт насослар билан тортиб олиниб, бетон лотоклар орқали адирликка узатилаяпти.

— Конимехликлар Ақназар Умаров номини тез-тез эслаб туришади, — дейди ҳамкасбим, «Конимех тонги» газетаси бош муҳаррири Пўлат Байимбетов. — Ҳар қанча иззату эъзозга лойиқ эди, раҳматлик. Янги боғнинг ана шу табаррук инсон номи билан аталиши кўпчилик дилидаги гап бўлди. Бугина эмас, туман марказидаги маҳаллаларда, ташкилот ва корхоналар атрофида, хуллас, имкон топилган ҳар бир жойда кўчат экиш давом этаяпти. Энг муҳими, ана шу ишларнинг бошида қарияларимиз туришибди.

Тўғри гап. Туманда йўллар атрофини ободонлаштириш, аҳоли учун қулайлик яратиш, мевали ва манзарали кўчат ўтқазиш ишларига жиддий киришилган. Энг муҳими, бу хайрли ишдан бирор ташкилот, муассаса, хонадон четда қолаётгани йўқ. Ҳозиргача кўча ва йўл бўйиларида 15 минг тупдан ортиқ мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилди.

— Кўриб турибсиз, халқимизнинг шашти баланд, — дея сўзини давом эттиради Нурбой ака. — Чорвадорлар юрти — Конимех ҳадемай гўзал боғларга бурканади. Ёз келади, куз келади. Туманимиз боғларидан қип-қизил олмалар узамиз. Ўшанда фарзандларимиз, албатта, Қариялар йилини эслашади ва улардан миннатдор бўлишади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи мухбири.**

---

# Кадрлар куни

**Сирдарё вилояти ҳокимининг қарорига мувофиқ ҳар ойнинг сўнгги шанбаси Кадрлар куни деб ҳисобланади. Мақсад кадрлар билан ишлашни яхшилаш, раҳбарлик заҳирасига олинган мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Ҳокимликда очилган "Кадрлар бошқарув маҳоратини ошириш маркази"да эса мутахассислар ўз сиёсий билимларини оширибгина қолмай, мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги корхона ва ташкилотларга тажриба ўрганиш учун юбориладилар.**

---

# Янги марказ очилди

Избоскан туманида янги шошилинч тиббий ёрдам маркази фойдаланишга топширилди. Ушбу марказ Пойтуғ шаҳрида ҳашар йўли билан барпо этилди.

Амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 295 минг сўмни ташкил этди. Марказда ўрнатилган янги тиббий ускуналар тиббий хизмат даражаси ва сифатини ошириш имконини беради.

**С. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

*«Халқ сўзи»га жавоб берадилар*



# «Обуначига ўгай кўз билан»

Эсингизда бўлса, газетанинг шу йил 16 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Кувасой шаҳрида матбуот нашрларини тарқатиш, обуна, тарғибот масалаларига ўгай кўз билан қаралаётганлиги, бу соҳадаги муаммолар ва камчиликлар очиб ташланган эди. Таҳририят ушбу танқидий мақолага «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси бош директори А.Маҳмудовдан жавоб хати олди. Жаноб А.Маҳмудов унда қуйидагиларни маълум қилади:

«Мазкур мақола Кувасой почта алоқаси жамоасининг йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди. Кувасой почта алоқаси филиали томонидан 2002 йил учун 3869 дона газета ва журналларга обуна расмийлаштирилган. Бу 2001 йилга нисбатан 86,8 фоизни ташкил этади.

Ишда йўл қўйилган камчиликлар ва ички интизомга риоя қилинмаганлиги учун Кувасой почта алоқаси филиали бошлиғининг 2002 йил 19 мартдаги буйруғига кўра Сўфон алоқа бўлими бошлиғи В.Саидов вазифасидан бўшатилиб, почтальонликка ўтказилди, Қўчқорчи алоқа бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажараётган М.Жалолова эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Текширувда аниқланишича, «Ғунча» журналининг биринчи сони жорий йилнинг 13 мартида филиалга келтирилган ва тарқатилган. Аммо, «Синфдош» журналининг бирорта сони бу ерга жўнатилмаган. Танқидий мақола юзасидан Кувасой почта алоқаси филиали иш фаолиятида ўзгариш қилиш учун чора-тадбирлар белгиланди. Унинг иши назоратга олинди. Филиал бошлиғи И.Низомов ва унинг ўринбосари С.Оҳунжоновлар қаттиқ огоҳлантирилди».

---

*Ислоҳот одимлари*

# СУД ИЖРОЧИСИ КИМ?

Шу йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Суд ҳуқуқлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг кучга киритилгани давлатимизнинг суд тизимини ислоҳ қилиш йўлидаги дадил қадамларидан бири бўлди. Чунки ушбу қонун қабул қилингунга қадар суд ижрочиларининг мақоми ва иш вазифаларини аниқ белгилаб берадиган меъёрий ҳужжат йўқ эди.

Табиийки «суд ижрочиси» ким деган саволга аниқ жавоб бериш ҳам қийин бўлган. Эндиликда у қонунда белгиланганидек, «ҳокимият вакили ҳисобланади ва у хизмат вазифаларини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган намунадаги махсус кийимда бўлади, суд ижрочиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари ходимлари даража унвонлари берилади». Шунингдек, суд ижрочилари ижро ҳужжатларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга: зарур ахборот, тушунтириш ва маълумотномалар олиш, ижро ҳужжатларининг ижро этилишини ва молиявий ҳужжатлар юритилишини таъминлаш, қонунга мувофиқ мол-мулкини хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш, қарздорнинг банклардаги ва кредиторнинг ҳисоб варақаларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларни қонун ҳужжатларига мувофиқ хатлаш. Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ҳужжатдаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органдан уни ижро этиш тартибини тушунтириб беришни сўраш, қарздорга унинг мол-мулкига нисбатан қидирув эълон қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қонуннинг 23-моддасига асосан суд ижрочисига ҳар бир ҳаракат учун белгиланган тартибда қарорлар чиқариш, шунингдек, 82-моддасида ўз қарори билан ижро қилиш муддатларини бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарима тайинлаш ҳуқуқлари берилган.

Ушбу қонун қабул қилингандан сўнг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда туман ва шаҳар суд ижрочилик бўлинмалари ташкил қилинди, суд ижрочилари таркибида алоҳида бўлиб ажралиб чиқди.

Қайд этилган Қонуннинг 6,7-моддаларига биноан ижро этиш учун чет эл судлари, арбитраж судлари ва бошқа давлат органларининг ижро этилиши лозим бўладиган ҳужжатлари рўйхати белгиланган. 8-моддада эса эндиликда ижро учун берилган ижро ҳужжатларининг муддатлари бузилган, даъвогар ва жавобгарлар тўғрисида аниқ маълумотлар кўрсатилмаган тақдирда ва қонун талабларига жавоб бермаса ижрочи ўз қарори билан уларни қайта расмийлаштириш учун ижросиз қайтаради.

Эндиликда суд ижрочиси ўзига топширилган вазифага жиддий муносабатда бўлади ва уни ўз вақтида бажариши талаб этилади. Қонуннинг 90-моддасида соҳанинг молиявий ва моддий ҳамда техника таъминотини яхшилаш мақсадида юқорида айтилган Департаментда жамғарма тузилиши мумкин, деб белгилаб қўйилган. Шундай тақдирда суд ижрочилари бўлинмаларининг иш фаолиятини янада яхшилаш имконияти туғилган бўлар эди. Чунки улар ўз жамғармаларига эга бўлган тақдирда суд ижрочилар бўлинмаларини замонавий компьютер ва техника билан пухта қуроллантириш ҳамда ходимларни молиявий рағбатлантириш масалалари ҳам ечимини топарди, деган фикрдамиз.

**Холбой ОДИЛОВ,**
**Нурилла САНАВОВ,**
**Тошкент шаҳар Миробод ва Бектемир туманлари суд ижрочилари бўлинмаларининг катта суд ижрочилари.**

